

Осийлар учун жаҳаннам оташи бор

14:04 / 24.11.2018 4042

Аллоҳ таоло Жин сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿أَبَدًا فِيهَا خَالِدِينَ جَهَنَّمَ نَارَ لَهٗ، فَإِنَّ وَرَسُولَهُ، اللَّهُ يَعْصِ وَمَنْ وَرَسُولَهُ، اللَّهُ مِنْ بَلَاغًا إِلَّا﴾

«Фақат Аллоҳдан Унинг рисолатларини етказиш, холос. Кимки Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлса, унга жаҳаннам оташи бор, унда мангу қолувчидирлар» (23-оят).

Яъни «Мен бировга фойда ёки зарар етказишга, Аллоҳнинг азобини қайтаришга қодир эмасман. Менинг қўлимдан келадиган иш Аллоҳ таолонинг юборган ваҳийсини одамларга етказиш, пайғамбарлик – элчилик вазифасини бажариш, холос. Ким гуноҳкор бўлса, унинг учун жаҳаннам оташи бор.